Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 86 (9072). ● 1987 йил 6 май ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## ХУШХАБАРЛАР

✦ НАРИМАНОВ шаҳридаги темир-бетон буюмлар заводида гипс плиталар цехи ишга туширилди. Бу ерда хоналараро тўсиқ тайёрланади. Цех маҳсулоти қурувчилар меҳнатини ҳам енгиллаштиради, ҳам тезлаштиради — улар бир қатор оғир технологик жараёнлардан, жумладан сувоқдан воз кечишлари мумкин.

✦ ТОШКЕНТДАГИ реле ва автоматика заводи кичкинтойларга атаб «Чанг ютқич» ва «Дазмолча» болалар ўйинчоқларини кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Бу йил 70 мингта ана шундай ўйинчоқ савдо тармоқларига юборилади. Завод конструкторлари энди «Жажжи уй бекаси» бурчагини яратишмоқда. Унда кичкина кир ювиш машинаси, ошхона плитаси бўлади. Заводда ҳозиргача жами 22 хил буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

✦ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР СУРГУТДА. Бу ерда маҳаллий ГРЭСни атроф-муҳит учун зарарсиз суюлтирилган газ технологиясига ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. «ВНИИПРОМГАЗ» институти Ўрта Осиё филиалининг олимлари зарарли азот оксидларининг атмосферага чиқишини 20 процент қисқартиришни ўргандилар. Яна битта технология зарарли моддалар чиқишини икки баравар камайтириш имконини беради. Сургут ГРЭСидаги ишлар Сибирь учун энг мувофиқ вариант танлашга имкон яратади.

(ЎзТАГ).

# ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

*● Деҳқон мулоҳазалари*

## ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**— БУ ЙИЛГИ ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкинми? — мухбиримиз Р. Йўлчиева ана шу савол билан Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз раиси Абдуғани ЮСУПОВга мурожаат қилди.**

— Бу йил ишимиз янада оғирроқ кўчаяпти,— деди раис—шуни айтиш керакки, чигитни анча кечикиб экдик. Бир ҳафтага мўлжалланган экиш мавсумининг тўртинчи кунидан бошлаб пешма-пеш ёмғир ёғди. Хуллас, иш чўзилиб кетди. Лекин бўш келмадик, одамлар, барча техника ишга сафарбар этилди. Қулай келган ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаландик.

Экишни тугаллагандан сўнг яна бир қийинчилик юзага келди. Сурункали ёмғир ерларни қотириб юборди, қатқалоқ босди. Асосий вазифалардан бири — қатқалоққа қарши кураш эди. Тезда қатқалоқни юмшатувчи мосламаларни ишга солдик. Бу тадбирни бажаришда ҳам барча иштирок этди. Фақат культиваторлар ёрдамида эмас, қўл кучи билан ҳам тупроқни юмшатдик. Ўз вақтида ўтказилган бу тадбир туфайли ҳозиргача 80 процентдан ортиқ майдондаги чигитни тўлиқ ундириб олишга эришдик. Эндиги вазифа қолган карталарда ҳам тўлиқ кўчат олишга қаратилган.

Бунинг учун бундан буён ҳам асосий диққат-эътиборни парваришга қаратиш керак. Мавжуд техникадан самарали фойдаланишимиз лозим. Қатқалоққа қарши курашни давом эттириш, ерни қиздиришимиз керак. Ҳозир далаларда мавжуд 16 та культиваторнинг ҳаммаси тўлиқ ишламоқда. Шуни алоҳида айтиш керакки, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда, тўлиқ гектарларни таъминлашда дастлабки парваришнинг аҳамияти каттадир. Биринчи культивацияни нормал чуқурликда эҳтиёткорлик билан ўтказиш талаб қилинади. Биз мутахассислар билан маслаҳатлашдик. Аҳволни ҳар томонлама ўрганиб чиққач, чигит униб чиққан карталарда культивацияни 10—12 сантиметр чуқурликда ўтказмоқдамиз. Шундай қилинганда эндигина униб чиққан ниҳолнинг илдизлари зарарланмайди, шу билан биргаликда ер юзасида сақланиб қолган қатқалоқ ҳам бартараф этилади. Агар культиваторнинг ишчи органлари нормадан ортиқча чуқурроқ ўрнатилса, у тупроқни кўтариб ёш ниҳолни нобуд қилиши мумкин. Аксинча, саёз ҳаракат қилса, тупроқ етарли даражада қизимайди.

Бугунги кунда колхозимизнинг Хурсанд Мамбетов, Бектўра Абуев, Кўчали Маҳрамов сингари тажрибали механизаторлари агротехника тадбирларини маромида ва сифатли ўтказишда барчага ибрат бўлишяпти.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун кураш энди бошланди. Юқорида айтганимдек, ҳозир бутун куч, имкониятни ишга солишимиз, об-ҳавонинг инжиқликлари туфайли юзага келган қийинчиликларни бартараф этиб, парваришга зўр беришимиз керак. Ана шунда ғўзанинг ривожини тезлаштирамиз ва мўлжалдаги хирмонни уямиз.

## ИШ СИФАТИ НАЗОРАТДА

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Экишда ҳар дам ғанимат. Ишнинг сифатини алоҳида назорат қилиб, гектарларнинг тўла бўлиши учун курашайлик!

Пискент райони деҳқонлари ана шу шиор остида меҳнат қилиб, чигит экишни кун сайин кучайтирмоқдалар.

Мавсумнинг бошланиши олдидан ҳар бир хўжаликда техникаларни кўрик-конкурсдан ўтказиб, экипаж аъзоларининг маҳорати синаб кўрилган эди. Шунинг учун ҳам айни кунларда ишлар анча осон кўчмоқда. Агрегатлар бетўхтов ишлаб турибди.

Ўзаро мусобақада Охунбобоев номли, Свердлов номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг экипаж аъзолари олдинда бордилар.

Свердлов номли колхоз пахтакорлари бу йил 2045 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Ерни экишга сифатли тайёрлаган деҳқонлар гектарларнинг тўлиқ бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Агрегатлар пухта созлаб қўйилганлиги учун ҳар куни мўлжалдагидан анча ортиқ ерга чигит экилди.

Охунбобоев номли колхозда 34 агрегат ишлатилди. Экипаж аъзолари кунлик топшириқни ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Ҳамма хўжаликларда экиш билан бир йўла ерларга гербицид ва минерал ўғитлар солиб кетилди.

— Ходимларимиз ва мутахассисларимиз шу кунларда иш сифатини алоҳида назорат қилиб бормоқдалар, — дейди РАПО агрономи Ўктам Бўриев, — диспетчерлик пункти узлуксиз ишлаб турибди. Хўжаликлар билан рация орқали мунтазам алоқа қилиб турилади. Аниқланган камчиликларни тугатишда амалий ёрдам бериш учун ўша жойнинг ўзига зудлик билан мутахассислар, техника хизмати ходимлари юборилади. Деҳқонларимиз бош мутахассис Лин Шен Де, давлат техника назоратчиси Абдукарим Рисбоев ўртоқларнинг ёрдамидан, айниқса, миннатдор бўлмоқдалар.

*Область мукофоти лауреатлари*

## ГУЛЧЕҲРАНИНГ ЧЕҲРАСИ

ПОЙТАХТДАГИ Чарм галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳурмат тахтасидаги суратларни кўздан кечирамиз. Кекса меҳнат ветеранлари қатори йигирма беш ёшлар чамаси, истараси иссиқ, кўҳликкина қизнинг сурати беихтиёр диққатимизни тортди. Сурат остидаги ёзувларга кўз югуртирамиз: «Илғор бригада бошлиғи, коммунист Гулчеҳра Ваҳобхўжаева».

— Гулчеҳранинг ҳаёт ва меҳнат йўли тенгдошларига ибрат бўларли,— деди бирлашма партком секретари Аҳрор Қоратоев.— Планларини доимо ошиғи билан бажариб келади. Қисқа меҳнат фаолияти давомида 2100 кишилик коллектив ўртасида обрў-эътибор орттириш, Ҳурмат тахтадан муносиб ўрин эгаллаш осон иш эмас, албатта. Менга унинг жамоатчилик орасида олиб бораётган ишлари ёқади. Жамоатчилик иши асосан бўш вақтларда бажарилади. Бирлашмамиздаги бирон бир ташкилий иш Гулчеҳранинг иштирокисиз ўтмайди. У ҳамма топшириқларни вақтида, кўнгилдагидек бажаради.

Гулчеҳра пойтахтдаги Садриддин Айний номли 84-ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ ўзига бир нималар тикиб юрарди. Оиладан чиққан икки тикувчи — Фотима ва Арофат сингиллари Гулчеҳранинг қалбида бу касбга меҳр уйғотишган эди.

— Тенгдошларингнинг ҳаммаси ўқишмоқчи. Балки сен ҳам ўқирсан... Майли шуни хоҳлабсанми, бора қол. Фақат опаларингдек, ҳалол, виждонан ишлагин. Шундагина, одамлар олдида юзинг ёруғ бўлади,— деганди ўшанда Турдихон ая қизига.

Гулчеҳра мактабда ёмон ўқимаган эди. Шунинг учун бирор олий ўқув юртига эмас, ишга кириши, кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Гулчеҳра бирлашма қошида ташкил этилган олти ойлик курсни муваффақиятли тугатди. 1980 йилнинг декабрь ойидан дипломат тайёрлаш цехида мустақил ишлай бошлади. Цехда унга кекса коммунист, ишчи Гулжаҳон опа Муҳаммадиева мураббийлик қилди. Тўғриси, ўзига муносиб шогирд топганидан Гулжаҳон опанинг қувончи чексиз эди.

— Эсингда бўлсин, қизим, ҳозир сен фабриканинг остонасида турибсан, биринчи ташлаган қадам, кейинги ҳаётингнинг асосини ташкил этади. Дастгоҳни ушлаганингда, кўз олдингда харидоринг турсин. Ҳар касбнинг ўз баҳор, қиши бор... Сидқидилдан меҳнат қилсанг, кам бўлмайсан...

Бу устознинг шогирдига берган ўгити эди. Биринчи йиллар ёш Гулчеҳра учун сифатли маҳсулот тайёрлаб, планларни ошириб бажариш анча қийин бўлди. Кунлар, ойлар ўтиши билан, Гулчеҳра ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб аяси ва устозининг ишончини оқлай олди.

Юқорида бирлашма партия комитетининг секретари таъкидлаганидек, «Гулчеҳрани жамоатчилик ишига қўшган ва қўшаётган улуши ҳам мақташга лойиқ. Ишга келган дастлабки йили уни цех комсомол секретари этиб сайлашди. У комсомол аъзолари орасида тартиб интизом, ишга кечикувчиларга қарши жиддий курашди. Ишчиларнинг шахсий масалаларига қулоқ тутди, уларга амалий ёрдамлар берди. Натижада цех муваффақиятига комсомолларнинг улуши ортди. 1984 йилда цех коллективи Гулчеҳрага катта ишонч билдириб, унга КПСС аъзолигига кандидатликка йўлланма беришди. Шу кунларда коммунист ишчи Гулчеҳра Ваҳобхўжаева 28 кишилик бригадага бошчилик қилмоқда. Гулчеҳра Ваҳобхўжаева цехда ва жамоатчилик орасида қилган ишлари учун муносиб тақдирлана бошлади. 1985 йил ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фаҳрий Ёрлиғи, 1986 йил «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали ва ниҳоят Йўлдош Охунбобоев номли область мукофоти... Меҳнатсевар, тадбиркор қизнинг етти йиллик меҳнат фаолияти давомида эришган ютуқлари шулардан иборат.

Гулчеҳра Ваҳобхўжаева бошчилик қилаётган бригада аъзолари билан суҳбатлашамиз.

— Менга Гулчеҳра опанинг талабчанлиги ёқади. У доимо ўз устида изланади ва бригадир сифатида биздан ҳам шу нарсани талаб қилади,— дейди Мақсуда Абдуллаева.

— Гулчеҳра опанинг қалбида ўз касбига бўлган меҳр доимо жўш уриб туради. Шу сабаб бўлса керак, у тайёрлаган маҳсулотни кўрган кўз қувонади,— дейди бригада бошлиғи ҳақида Машҳура Холхўжаева.

— Мен Гулчеҳра опадек мураббий борлигидан фахрланаман,— дейди шогирди Барно Абдураҳимова.

Гулчеҳра ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ТошДУнинг география факультетида сиртдан таҳсил кўрмоқда. Илғор ишчига сўнгги саволимизни берамиз:

— Эртанги кун орзу-истакларингиз?

— Мен бошчилик қилаётган бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейигача икки йиллик планни бажаришга қарор қилган. Ҳозирги кунда биз қабул қилган юксак мажбуриятни бажариш ишқида меҳнат қилаяпмиз... Муносиб ҳамкасблар тайёрлаш, фабрика остонасида турган ёшларга мураббийлик қилиш, ўзинг севган касбни уларга ўргатишдан ортиқ бахт бўлмаса керак!

Биз фабрикадан қайтар эканмиз, халқимизнинг ўзининг камтарин меҳнатидан бахтини топган Гулчеҳра Ваҳобхўжаевадек фарзандлари борлигидан ғурурландик.

Ш. ҲАМРОЕВ.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

## 16 ЎРНИГА 22 ТОННА

ЎРТА Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз чорвадорлари 1 Май байрамини яхши натижалар билан кутиб олишди. Улар давлатга сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни кўпайтирдилар. Айниқса хўжалик бўрдоқибоқарлари баракали меҳнат қилишмоқда. Улар ўтган тўрт ойда 16 тонна ўрнига 22 тонна гўшт топшириб, ярим йиллик планни ортиғи билан бажардилар. Гўштга топширилган ҳар бош қорамол 420 килограммдан тош босди.

Бу ғалабага колхознинг Раҳмон Абдукаримов, Абдужалил Одилов, Аданбек Бекбоев сингари тажрибали чорвадорлари салмоқли ҳисса қўшишди.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.





✦ ПАРКЕНТ районидаги Энгельс номли совхоз чўпонлари — ака-ука Одилхон ва Эргашхон Аҳмадхоновлар қўзилатиш мавсумини намунали ўтказдилар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 118 бошдан қўзи олишди. Суратларда: ака-ука Одилхон ва Эргашхон Аҳмадхоновлар; (чапда) қўй-қўзилар яйловда.

А. Зуфаров фотолари.

*● Чигит экиш кундалиги*

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 5 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда экилган майдон, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Экиш планига нисбатан процент ҳисобида)

| | | |
|---|---|---|
| Коммунистик | — | 102,9 |
| Ўрта Чирчиқ | — | 100 |
| Бекобод | — | 100 |
| Чиноз | — | 100 |
| Ғалаба | — | 100 |
| Янгийўл | — | 100 |
| Бўка | 1,1 | 100 |
| Пискент | — | 99,9 |
| Оққўрғон | — | 99,5 |
| Область бўйича: | 0,3 | 99,8 |

## ЎН ҲИССА ТЕЗЛАШАДИ

Горизонтал қудуқлар пармалаш ва синаб кўриш техника воситалари комплекси ер бағрини разведка қилиш жараёнини ўнлаб марта тезлатади. Уни Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот институтининг олимлари ишлаб чиқдилар.

Анъанавий технологияга мувофиқ, геологлар тоғ жинсларида ҳар бири 200—300 метрга борадиган бир қанча штольня қазиб, минглаб куб метр тоғ жинсини чиқаришларига тўғри келади. Пармалаш комплекслари ана шу машаққатли ишларга барҳам беради. Шурфлар портлатишга, штольняларни маҳкамлаб бориб, уларда вагонеткалар учун из ётқизишга эҳтиёж қолмайди.

Бундан аввал ҳам горизонтал қудуқлар қазиш учун парма ускуналардан фойдаланиб кўрилганди. Аммо пармалаш тоғ жинснинг қандай ётганлиги тўғрисида ер бағри разведкачиларига аниқ маълумот беролмасди — қазилган намуналар ташқарига лой аралаш чиқарди.

Ўзбекистонлик олимлар комплекс устидаги ишлар чоғида учта ихтиро қилдилар. Шулардан бири керн олиш проблемасини ҳал этишга имкон берди.

Шу йил Тошкентдаги «Геологоразведка» заводи горизонтал қудуқлар пармалаш техникасидан тажриба намуналарини тайёрлаб чиқаради.

(ЎзТАГ мухбири).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ОЛМАЛИҚДАГИ МУХБИРЛАР ПОСТИ.

### СЕКРЕТАРЛАР КУНИ

БОШЛАНҒИЧ партия ташкилотлари секретарлари кунида шаҳар партия комитетининг секретари В. Монахова КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари асосида идеология ишларини кучайтириш ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси Л. Зверхоновская коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича секретарларга амалий маслаҳатлар берди. Шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири З. Вафин эса раҳбарлик лавозимларига кадрларни ошкора ва демократик усулда сайлашнинг дастлабки якунлари ҳақида гапирди.

Секретарлар куни қатнашчилари партиянинг кадрлар ва иқтисодий сиёсатининг баъзи масалалари юзасидан ўқилган лекцияни тингладилар.

### ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ

КОМБИНАТГА СССР Рангли металлургия министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи Марказий Комитетидан хушхабар келди. В. Примаков бошлиқ электровозчилар комсомол-ёшлар бригадаси бу йил ҳам Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлибди. Ёшлар комбинат саноат темир йўл транспорти корхонасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар Қалмоққир конидан мис саралаш фабрикасига қўшимча кўплаб тоғ жинсларини етказиб бермоқдалар.

Кон-металлургия комбинатида 50 дан ортиқ комсомол-ёшлар бригадаси бор. Уларнинг барчаси ўзаро мусобақадош. Ёшлар айниқса ВЛКСМнинг XX съезди шарафига ўтказилган мусобақада актив иштирок этиб, энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Ўзаро беллашувда С. Андросенко ва В. Федосеев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ғолиб деб топилди. Айни кунларда комбинат ёшлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

*Ижодий ҳисобот билан*

## МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Ўзбекистон санъати усталари ижодий ҳисобот билан Ватанимиз пойтахти Москвага жўнаб кетишди. Улар «Россия» давлат Марказий концерт залида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган программани намойиш этадилар.

— Энг яхши коллективлар ва етакчи ижрочиларга Москвада республикамиз санъатини намойиш этиш ишониб топширилди, — деди Ўзбекистон ССР маданият министрининг биринчи ўринбосари А. А. Муҳамаджонов. — Концертлар орқали москваликлар ва пойтахт меҳмонлари хилма-хил жанрли миллий санъатимизнинг ижодий ютуқлари билан танишадилар.

— Москваликлар «Россия» саҳнасида кимлар билан учрашадилар?

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Катта театрининг солисти Исмоил Жалилов Ўзбекистоннинг опера санъатини, республикада хизмат кўрсатган артистлар Замира Давлатмуротова, Ҳасан Бозоров, Василий Клочко, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Феруза Саъдуллаева балет санъатини намойиш қиладилар. Республика халқ артистлари Малика Аҳмедова, Дилафруз Жабборова, актриса Рушана Султонова халқ рақсларини ижро этадилар. «Баҳор» халқ рақс ансамбли ўзининг мангу навқирон санъатини кўрсатади. «Ўзбекистон солистлари» коллективи москваликлар ҳузурида биринчи бор концерт қўйиб беради. Ҳамза номли драма театри ва «Ёш гвардия» театри артистлари ўзларининг энг яхши спектаклларидан парчаларни пойтахт томошабинларига армуғон этадилар. Камол Тошкенбоев раҳбарлигидаги дорбозлар, оригинал жанр ижрочиси Андрей Петровец, карнай ва сурнайчилар группаси санъати ҳам москваликларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. «Ялла» эстрада коллективи ўзининг янги «Мусиқа чойхонаси» программасини намойиш этади. Томошабинлар Наталья Нурмуҳамедова билан Мансур Тошматов қўшиқларини ҳам тинглайдилар. Жаз музикаси ихлосмандлари Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Григорий Пушен раҳбарлигидаги замонавий жаз музикаси ансамбли билан учрашадилар.

Энг ёш артистларнинг чиқишлари программага алоҳида файз бахш этади. Булар — В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройининг доирачилар ансамбли ва Тошкентдаги электрон техника заводининг «Бахтли болалик» ансамблидир.

Ҳисобот концертида иштирок этувчи яна икки коллектив номини тилга олмоқчимиз. Бу республика халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги З. Ғаниева номли фронт концерт бригадалари иштирокчилари коллективи ва Самарқанд область Булунғур районидаги «Чавқи» фольклор ансамблидир.

Э. ТУҲФАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

## ТОЛА САРАЛОВЧИЛАР

«НОВАЯ ЖИЗНЬ» луб заводи коллективи толанинг сифатини янада ошириш учун ички резервларни ишга солмоқда. Бу иш қайта ишловчиларгагина боғлиқ эмас. Толани саралаб, сортларга ажратишда ҳам гап кўп. Бу борада, айниқса, заводнинг узун тола сараловчилари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Райгул Бойшекенова, Сарие Заякаева, Лидия Едоменколар корхонанинг илғор сараловчиларидан ҳисобланишади. Бу уч дугона ўзаро мусобақалашиб, кунлик нормаларини 150—200 процентга етказиб бажаришмоқда. Улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига беллашувни авж олдириб, ҳар куни 0,9 тоннадан тола саралаб, шахсий планларини 1 декабрга қадар бажаришга аҳд қилишган.

З. ИСРОИЛОВ, Ғалаба райони.

